



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Депутатлар ўз конституциявий ваколатларига мувофиқ, сиёсий партияларнинг 2015 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитди. Ушбу масала бўйича барча сиёсий партиялар раҳбарлари сўзга чиқди.

Сиёсий партияларнинг ҳисоботлари тингланди

15 март кuni Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди

Мажлис давомида таъкидландики, сўнгги йилларда энг муҳим давлат масалаларини ҳал этишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсири, шунингдек, уларнинг парламентдаги фаолияти сезиларли даражада кучайди. Умумқабул қилинган демократик стандартларга ва халқаро нормаларга тўлиқ жавоб берувчи сиёсий партияларни ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилди. Бугунги кунда сиёсий партиялар ўз дастурий мақсадларини илгари суриш ва амалга ошириш, электрат манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча имкониятларга эгадир.

«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»-ги Қонунга мувофиқ, ҳар бир партия Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўрилларининг сонига қараб, ўз устав фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларининг муайян ҳажмларини олиш ҳуқуқига эга.

Сиёсий партияларни молиялаштириш қонунчилиги, очиклик, ошқоралик ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлилиги принциплари асосида қонунга қатъий риоя этилган ҳолда амалга ошириб борилади. Барча сиёсий партиялар ўз фаолиятини молиялаштириш ҳақми ва манбалари тўғрисидаги ахборотни белгиланган тартибда эълон қилди ва ўз аъзолари ҳамда жамоатчиликнинг уларни молиялаштириш тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишини таъминлаб берди.

Мажлисида Ўзбекистондаги сиёсий партиялар молиявий ҳисоботни қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда тақдим этганликлари қайд этилди.

Муҳокама чоғида сўзга чиққан депутатлар Президентимиз 2015 йил 23 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида парламент олдида турган энг муҳим масалаларни белгилаб берганига эътибор қаратишди. Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, кўппартиявийлик тизимини янада изчил ривожлантириш зарурлиги таъкидлангани қайд этилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Қонунчилик палатаси Регламентига палатанинг қонунчилик, назорат-таҳлил фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг фаол иштирокини таъминлаш механизмлари самарадорлигини ошириш, шу билан бирга, партиялар фикрларини ҳисобга олувчи муқобил қонун лойиҳаларини сиёсий партиялар фракциялари аъзолари томонидан киритишнинг процессуал механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳамда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожланишининг муҳим ҳаётий масалаларини белгилөөчи у ёки бу қонунлар бўйича ўз нуктаи назарларини кенг жамоатчиликка етказишнинг таъминловчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

► Давоми 2-бетда.

БУ ҲАҚДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ЙИГИЛИШИДА АЙТИЛГАН ЭДИ

КОРХОНА ҚУВВАТИ ОШАДИ

Бу эса яна 90 нафар кишининг бандлигини таъминлаш имконини беради



СЎЗ — ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА

Президентимизнинг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида парламент фаолияти атрофида сарҳисоб қилиниб, қонунлар сифатини ошириш, минтақалар, тармоқлар ва давлатнинг умумий манфаатлари мутаносиблигини самарали таъминлашга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Замонавий корпоратив бошқарув

акциядорлик жамиятлари ривожланишида долзарб аҳамият касб этади

Шундан келиб чиқиб, парламент фаолиятини замонавий талабларни инобатга олган ҳолда, тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги сифатини ошириш, бу борадаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш тақозо этилади.

Дарҳақиқат, бугун қабул қилинаётган қонунлар ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислохотларининг бори-

шига, одамлар ҳаётига, сиёсий, иқтисодий тараққиётга қандай таъсир кўрсатаётганини чуқур таҳлил қилиш, қонунларнинг ижрочиларга етказилиш жараёнини албатта ўрганишнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

► Давоми 2-бетда.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Қонун ижросини ўрганиш натижалари муҳокама этилди



Мамлакатимизда йўлсозлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда «Автомобиль йўллари тўғрисида»-ги Қонун ҳамда бошқа қонуности ҳужжатлари муҳим ўрин тутмоқда. Жумладан, автомобиль йўллари тизимини янада ривожлантириш мақсадида

Президентимизнинг «2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида»-ги қарори қабул қилинган.

2

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлат грантлари — долзарб лойиҳаларга

Парламент комиссияси раиси А.Саидов ва бошқалар мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг мустақиллиги таъминланаётгани, улар фаолияти моддий ва молиявий қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади.

2016 йилда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашга 11 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу 2015 йилга нисбатан 10 фоиз кўп дмакдир.

Комиссия аъзолари Президентимизнинг шу йил 9 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштироки этишини таъминлашга эътибор қаратди. Бу йўналишда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқаришга кўмаклашиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, халқимизнинг маданий меросини оммалаштириш, жамиятда миллатлараро ва конфессиялараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳалар учун давлат ижтимоий буюртмаси шаклида 2,3 миллиард сўмлик маблағ ажратилди.

Ушбу лойиҳалар доирасида тугма ва ирсий касалликларни аниқлаш, эрта никоҳ ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларидан огоҳлантиришга қаратилган ахборот ва маърифий материаллар, теледастурлар тайёрланади. Кам таъминланган оилаларнинг тугма юрак нуқсонли бор фарзандларига, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ижтимоий, руҳий-педагогик, ҳуқуқий ва маърифий ёрдам кўрсатиш учун қўшимча шарт-шароит яратилади.

Парламент комиссияси аъзолари ахборот хавфсизлиги соҳасида кадрлар тайёрлаш, иқтидорли ва ташаббускор мутахассисларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича миллий тизимни янада ривожлантиришга кўмаклашиш, ёшларнинг интеллектуал ва инновацион салоҳиятини оширишга йўналтирилган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

? САВОЛ ВА ЖАВОБ !

— Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўлимлари ташкил этилди. Шу бўйича кенгрок маълумот олмакчи эдим.

Юлдуз КОДИРОВА,
Қашқадарё вилояти.



Акmal УМАРАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Президентимизнинг «Аҳолининг ҳожатманд қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Қарорида ногиронлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа ҳожатманд қатламларига тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасалари фаолиятини самарали ташкил этиш кўзда тутилган.

Унга кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарат тузилмасида тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш бошқармасини, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари тузилмасида тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш шўъба-си фаолиятини йўлга қўйиш белгиланган. Туманлар (шаҳарлар) тиббиёт бирлашмалари тузилмасида эса тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўлимлари ташкил этилади.

Эндиликда янги ташкил этилган бўлимлар кўйидаги вазифаларни бажаради:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимига ўтказилаётган Муруват ва Саховат уй-интернатлари, ногиронлар учун реабилитация марказлари ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари учун санатория муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш, тиббий-ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқароларни Муруват ва Саховат уй-интернатларига, ногиронлар учун

реабилитация марказлари ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари учун санатория муассасаларига юборишга кўмаклашиш;

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ўзганинг ёрдамига муҳтож бўлган ёлғиз кекса фуқароларни аниқлаш ва уларга уйда парваришлашнинг инноватив индвидуал дастур асосида ижтимоий хизмат кўрсатиш ташкил қилиш; аҳолининг ҳожатманд қатламлари талабларига кўра, уларга мос тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш турларини танлаш ва тақдим этиш, шу жумладан, ортопедик буюмлар, реабилитация техник воситалари ва кресло-коляскалари билан таъминлаш мақсадида уларнинг ҳисобини олиб бориш.

Молия вазирлиги марказий аппарат тузилмасида ҳамда ҳудудий молия бош бошқармаларида ташкил этилган шўъбалар томонидан фуқароларга ижтимоий нафақалар, моддий ёрдамларни тайинлаш ва тўлаш мониторинги олиб борилади.

ЎЗХДП: ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ШУМАНАЙ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎЗХДП ГУРУҲИ ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИГА МАИШҲИЙ ХИЗМАТ КўРСАТИШ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ Тўғрисидаги МАСАЛАНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ.

ЎЗХДП СИРДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ БОЁВУТ ТУМАНИДА КўЧМА ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ ТАШКИЛ ЭТДИ. УНДА ФУҚАРОЛАРДАН 20 ГА ЯҚИН МУРОЖААТ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

ЖОРИЙ ЙИЛДА НАВОИЙ ШАҲАР КЕНГАШИДАГИ ЎЗХДП ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ МУРОЖААТЛАРИ АСОСИДА 10 ГА ЯҚИН ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ ЮБОРДИ.

СЎЗ — ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Депутатлар сиёсий партияларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни кучайиб бораётганлиги муносабати билан сиёсий партияларнинг молиявий интизомини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этишди.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ҲИСОБОТЛАРИ ТИНГЛАНДИ

Депутатларнинг фикрига кўра, сиёсий партияларнинг моддий-молиявий, ташкилий кадрлар ва бошқа ресурслари ўз дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда катта аҳамият касб этади. Шу сабабли уларнинг шаффоф ва очиқлиги, доимо жамоатчилик назорати остида бўлиши жуда муҳимдир. Ийгиликда таъкидландики, кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, парламент ва жамиятда сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатни кучайтириш шароитларида ушбу масала депутатларнинг доимий эътиборини талаб этади.

Ийгиликда кун тартибидagi масала бўйича барча сиёсий партиялар фракциялари аъзолари ўз муносабати ва фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари қайд этдики, сиёсий партиялар даромадларининг тўлиқ шаклланишини, шунингдек, уларнинг фаолиятини молиялаштиришга қаратиладиган давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини таъминлашда сиёсий партиялардаги ички назорат механизmlарини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Фракция аъзолари таъкидлаганидек, бугунги кунда Ўзбекистоннинг барча сиёсий партияларида назорат-тафтиш комиссиялари фаолият юритмоқда, комиссиялар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлари, шу жумладан, функциялари, вазифалари, шунингдек, ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган.

Муҳокама дaвoмида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, депутатлар сиёсий партияларнинг 2015 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини маълумот учун қабул қилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати (Ахборот қисқартирилган ҳолда берилмоқда).

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Қонун ижросини ўрганиш натижалари

муҳокама этилди

Қонун ҳужжатлари ижросини ўрганиш, таҳлил қилиш парламент назоратининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Парламентимиз Қонунчилик палатаси, унинг қўмиталари бу масалага алоҳида эътибор қаратиб келмоқда, жойларда қонунлар ижроси изчил ўрганилмоқда, ютуқлар, камчиликлар таҳлил этилмоқда.


Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Қонуннинг Жиззах вилоятидаги ижросини ўрганиш натижалари атрофида кўриб чиқилди.

Тадбирда Вазирлар Маҳкамаси, Жиззах вилоят ҳокимлиги, вазирликлар, тегишли ташкилотлар мутасаддилари, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидландики, мамлакатимизда йўлсозлик соҳасидаги муносабатларни тартибда солишда «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Қонун ҳамда бошқа қонуности ҳужжатлари

муҳим ўрин тутмоқда. Жумладан, автомобиль йўллари тизимини янада ривожлантириш мақсадида Президентимизнинг «2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфраструктурасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарор асосида ўтган йилнинг ўзида Ўзбек миллий автомагистралли таркибига кирувчи 382,4 км автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди.

Йиғилишда мазкур дастур асосида бошланган ишларни 2016 йилда ҳам изчил давом



эттириш муҳим вазифа экани алоҳида қайд этилди.

Шундан сўнг «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Қонуннинг Жиззах вилоятидаги ижроси билан боғлиқ масала муҳокама қилинди. Маълумот ўрнида айтиш керакки, вилоятда автомобиль йўллари умумий узунлиги 7,8 минг км бўлиб, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари 2,6 минг км, ички йўллар 5,2 минг км.ни ташкил қилади. 2015

йилда вилоятда Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси ҳисобидан 182,4 миллиард сўмлик қурилиш, таъмирлаш ишлари бaрoлар қилинган. Хусусан, 104,3 миллиард сўмга 31 км автомобиль йўли реконструкция қилинган, 41 миллиард сўмга 18 км автомобиль йўли тўла ҳамда 37,2 миллиард сўмга 97 км йўл жорий таъмирланган.

Йиғилишда ижобий ишлар билан бир қаторда қонун

ижросини таъминлашдаги айрим муаммолар ҳам таъкидлаб ўтилди.

— Қонун ижросини ўрганиш чоғида баъзи камчиликлар ҳам кўзга ташланди, — дейди Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Аҳад Аҳмедов. — Шундан келиб чиқиб, «Узавтойўл» ДАК вилоят бошқармаси фаолиятини тубдан яхшилаш, унинг моддий-техник

базасини талаб даражасида янада такомиллаштириш, соҳага малакали мутахассисларни кенгроқ жалб этиш, автомобиль йўллари жорий ва тўла таъмирлаш бўйича назорат ишларини кучайтириш масалаларида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бундан ташқари, тизимдаги маҳсулот сифатини назорат қилувчи лабораториялар фаолиятини яхшилаш, ички йўллари таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратиш масалалари бўйича ҳам тақлифлар ўртага ташланди.

Йиғилишда вилоятда қонун ижроси юзасидан йўл қўйлаётган камчиликларни бартараф этиш, умуман, тизимда ечимини қутаётган масалаларни чуқур, тахлилий ўрганиш, қонунчиликни янада ривожлантиришга оид тақлифлар бериш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Қўмитанинг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама этилган масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Музаффар ТУРОПОВ

■ Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарувни жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Замонавий корпоратив бошқарув

акциядорлик жамиятлари ривожланишида долзарб аҳамият касб этади

Фарҳод УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси:



— Маълумки, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, янги таҳрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонун корпоратив бошқарув соҳасидаги муҳим ҳужжат бўлди. Шунинг учун Қонунга тўлиқ риоя қилинишига эришиш, акциядорлар, биринчи навбатда миноритар акция эгаларининг қафолатларини таъминлаш, бу масалада маъмурий, жинсий, ҳўжалик қонунчилигини такомиллаштириш талаб қилинади. Ривожланган мамлакатлар қонунчилигида барча корпоратив муносабатлар, тизимга алоқадор тартиб-таомиллар қонуний жиҳатдан ҳамда суд ҳимояси билан тўлиқ қамраб олинган.

2015 йилда давлатимизда корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, унинг ҳақиқий бозор ҳусусиятларига эга бўлишини таъминлаш бора-сида салмоқли ишлар қилинди. Барча акциядорлик жамиятларининг фаолияти тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди, корхоналарни корпоратив бошқариш бўйича илғор халқаро тажрибани ўрганиш асосида акциядорлик жамиятларининг янги намунавий тузилмаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Шу тариқа замонавий корпоратив бошқарув тизими талабларини инобатга олган ҳолда, лавозим ва касбларнинг янги классификатори ишлаб чиқилиб, тасдиқланди, бозор иқтисодиёти талабларига

мос келадиган 566 янги тоифа киритилди.

Мазкур классификатор асосида раҳбарлар таркиби аттестациядан ўтказилди. Раҳбар кадрларнинг корпоратив бошқарувнинг замонавий усул ва принциплари, менежмент ва маркетинг бўйича билимларини баҳолаш ушбу синовнинг асосий мақсади қилиб қўйилди. Унинг натижаларига кўра, аттестация қилинган 721 нафар раҳбар ходимнинг ярми — 49 фоизи аттестациядан ўтган бўлса, уларнинг ҳар учинчиси аттестациядан шартли равишда ўтказилган, 20 фоизи ёки ҳар бешинчи раҳбар эса эгалаб турган лавозимига лойиқ эмас, деб топилган. Бўшаб қолган раҳбарлик лавозимларига пухта билимга эга бўлган, замонавий менежмент ва маркетинг усулларини амалда қўлай оладиган ёш мутахассислар тайинланган.

Германияда жойлашган Европа менежмент ва технологиялар мактабининг фаол иштирокида мамлакатимизда Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази ташкил этилди. Бу ерда акциядорлик жамиятларининг раҳбар ходим ва мутахассислари тизимли асосда тайёрланмоқда, малакаси оширилмоқда.

Шунингдек, ўтган йили Германия ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган бошқа давлатлардаги етакчи таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини кенг жалб қилган ҳолда, мамлакатимиз акциядорлик жамиятлари, банклар ва йирик корхоналарнинг 160 нафардан ортиқ раҳбар ходими корпоратив бошқарув соҳасида малака оширди, уларнинг ярми Германия корхоналарида тажриба орттирди.

Умуман, акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарувни жорий этиш бўйича мамлакатимизда кенг кўламли ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Президентимиз Қарори билан ташкил этилган Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самардорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси Корпоратив бошқарув кодексини тасдиқлаб, эълон қилди. Мазкур Кодекс акциядорлик жамиятлари учун тавсиявий характерга эга ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда халқаро корпоратив бошқарув тамойиллари-та асосланган.

Акциядорлик жамиятларида замонавий бошқарув усуллари жорий этилиши, шу орқали уларнинг фаолияти ривожланиши оддий ишчи-ходимларнинг даромади кўпайишига, ҳар томонлама қўлай меҳнат шaroити яратилишига, ижтимоий ҳимоя самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

Албатта, Кодекс Давлатимиз раҳбари томонидан акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш борасида белгилаб берилган вазифалар асосида ишлаб чиқилган.

Бир сўз билан айтганда, Корпоратив бошқарув кодекси акциядорлик жамиятларининг ижроия органи, унинг қурашув кенгаши, акциядорлари, меҳнат жамоаси вакиллари ва бошқа манфаатдор томонлар, жумладан, кредиторлар манфаатларининг

мутаносиблигига эришишга қаратилган (шу шахслар ўртасидаги) ўзаро муносабатлар тизими ҳисобланади. Ҳар бир акциядорлик жамияти мутасаддилари, ёш мутахассислар, акциядорлар, қолаверса, ишчи-ходимлар ана шу ҳужжат билан яқиндан танишиб чиқиши зарур, деб ўйлайман.

Кодекс акциядорлик жамиятлари фаолияти самарали ташкил этилиши, ишлаб чиқариш қувватлари модернизация қилиниши, техник ва технологик жиҳатдан янгиланиши, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ва ташқи бозорларга йўналтирилишида долзарб аҳамият касб этади. Буларнинг барчаси акциядорлик жамиятларида меҳнат қилаётган минг-минглаб ишчи-ходимлар, яъни Ўзбекистон Халқ демократик партияси электрoтaри вакиллари манфаатлари таъминланишида муҳим ўрин тутди.

Шу ўринда ўзимизга бир тасаввур қилиб кўрайлик. Битта корхона, акциядорлик жамиятининг ишлари яхши юришмаса, замон талаблари даражасида фаолият кўрсатмаса, бундан қанча одам, қанча оила зиён кўради? Иш ўринлари қисқаради, меҳнат ҳуқуқлари таъминланмай қолади, корхона-ташкilotнинг маҳсулоти ёки хизмати сифати пасайиб кетади. Буларнинг ортидан кейинчалик бошқа муаммолар ҳам келиб чиқаради.

Аксинча, акциядорлик жамиятларида замонавий бошқарув усуллари жорий этилиши, шу орқали уларнинг фаолияти ривожланиши оддий ишчи-ходимларнинг даромади кўпайишига, ҳар томонлама қўлай меҳнат шaroити яратилишига, ижтимоий ҳимоя самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

Хулоса шуки, акциядорлик жамиятлари бошқарув органлари фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган ушбу Кодекс ҳисобдорлик, шаффофлик, ҳаққонийлик каби тамойиллар устуворлиги таъминланишида муҳим ўрин тутди.

ЎзХДП: «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ

ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори томонидан туман ва шаҳарлардаги бошланғич партия ташкилотларида «Ёш сиёсатчи-2016» кўрик-танловининг дастлабки босқичи ўтказилмоқда.

Ёш сиёсатчилар танлови

Пайариқ туман транспорт касбхона коллежида бўлиб ўтган танловда ҳакамлар ҳайъати аъзолари иштирокчиларнинг тақдим этган лойиҳалари, сиёсий билимдонлиги, нотиклик маҳоратини баҳолаб боришди.

Шартлар давомида ҳар бир иштирокчи саволларга аниқ жавоб беришга ҳаракат қилди. Умумий натижаларга кўра, қатнашчи Акмал Нормуродов танловнинг туман босқичида иштирок этиш учун йўланмани қўлга киритди.

— Мен «Ёшлардан — ёшларга» деб номланган лойиҳам билан иштирок этдим, — дейди у. — Интернет ва ёшлар мавзусини кенгроқ ўрганишга ҳаракат қилдим. «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари сафини кенгайтириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқдим. Насиб бўлса, лойиҳамни амалиётга жорий қилмоқчиман.

Шуни ҳам айтиш керакки, жорий йилда Пайариқ туманида «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловида қатнашчи истигини билдирган йигит-қизлар сони 110 нафардан ошди.

Танлов якунида иштирокчилар диплом ва эсдалик савгалари билан тақдирланди.

«Ёш сиёсатчи — 2016» кўриктанлови вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказилмоқда.

Ойтула АБДУРАИМОВА,
ЎзХДП Самарқанд
вилоят кенгаши сектор мудири.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш аҳоли турмуши даражасини оширишнинг муҳим омил» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, электрoтaри вакиллари, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда кенг жамоатчилиكنинг иштироки ва депутатлик назорати билан боғлиқ масалалар бўйича фикр алмашилди.

— Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз, — дейди ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Олим Равшанов. — Бу жараёнда партияимиздан сайланган депутатларнинг фаол иштироки электрoтaри вакиллари манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.


Давра суҳбатидa истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда партия ташкилотлари ҳамда депутатларнинг ролини кучайтириш, бу боралда тадбирлар самардорлигини ошириш, ижтимоий шерикликни янада мустаҳкамлаш масалалари бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

БУ ҲАҚДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ЙИГИЛИШИДА АЙТИЛГАН ЭДИ

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида иқтисодиётни таркибий ўзгартиришни изчил давом эттириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳозлашга хизмат қилувчи инвестиция лойиҳаларини белгиланган муддатларда ишга туширишни таъминлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратиб, ушбу йўналишда Жиззахдаги цемент заводининг қувватини 1 миллион тоннагача портландцемент ишлаб чиқариш даражасида кенгайтириш кўзда тутилганлигини айтган эди.

Корхона қуввати ошади

Бу эса яна 90 нафар кишининг бандлигини таъминлаш имконини беради



Айни кунларда «Элемент қурилиш» шўъба корхонасининг муҳандис ва қурувчилари хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда ушбу вазифани амалга ошириш йўлида қизғин иш олиб боришмоқда.

Дарвоқе, ушбу заводнинг иш бошлаганига атиги икки йил бўлса-да, белгиланган режалар муваффақиятли бажариб келинмоқда. Йилига 350 минг тонна оқ ва 760 минг тонна портландцемент тайёрлашга мўлжал-

ланган, корхона жамоаси ўтган йили буюртмачиларга режага қараганда 110 минг тонна кўп маҳсулот етказиб берди. Унинг бир қисми хорижга экспорт қилинди.

Асосий хомашё — оҳактошнинг корхона яқинидаги тоғдан қазиб олинаётгани эса оқ ҳамда портландцемент таннархининг нисбатан арзон бўлишига асосий омил бўлмоқда.

— Ушбу корхона билан иш бошлаган пайтдан бери ҳамкорлик қилиб келамиз, — дейди «Жиззах фаввора-си» қурилиш корхонаси муҳандиси Соҳиб Сойилов. — Олаётган цементимиз

Жамоадаги 700 нафардан зиёд ишчининг асосий қисми касб-хунар коллежлари ҳамда олий ўқув юрглари битирувчиларидан иборат. Корхонанинг қуввати ошгач, яна 90 нафар киши муносиб ҳақ тўланадиган барқарор иш билан таъминланади.

қураётган бино ва иншоотларнинг мустаҳкам бўлишига хизмат қилишдан ташқари, уларга бетакрор кўрк бахш этмоқда.

Завод мамлакатимиздаги турдош корхоналар орасида ҳам замонавий, ҳам йирикларидан биридир. Кенг, ёруғ ва озода цехларини айлансангиз, харсанг тошлар ун каби майдаланаётган бўлса-да, чанг-тўзон сезилмайди. Цехлар замонавий технологиялар, шу жумладан, филтрлаш ва тозалаш ускуналари билан жиҳозланган. Бу эса атроф-муҳит ҳавосини мунтазам назорат қилиб туриш, табиий газ ва электр энергияси сар-

фини камайтириш имконини берапти. Ишлаб чиқариш жараёнлари тўлиқ компьютерлаштирилган.

— Лойиҳанинг иккинчи навбати 35 миллион 800 минг АҚШ долларини ташкил этади, — дейди завод дирекцияси раҳбари Ойбек Зулфатов. — 400 нафар маҳалла қурувчи ва муҳандис кучи билан иккита янги тегиримон, хомашёни тўхтовсиз етказиб беришга мўлжалланган ҳамда цементни ҳаво босими орқали ҳайдовчи қўшимча линиялар барпо этилмоқда. Бу эса бевосита корхонада иш унумдорлигини оширишга хизмат қилади. Чунки олдинлари портландцемент ишлаб чиқариш пайтида оқ цемент тайёрлашни вақтинча тўхтатиб туришга мажбур бўлардик. Лойиҳа амалга ошгандан сўнг бунга ўрин қолмайди. Ҳар иккала линия ҳам бир вақтнинг ўзида ишлаш имконига эга бўлади.

Жамоадаги 700 нафардан зиёд ишчининг асосий қисми касб-хунар коллежлари ҳамда олий ўқув юрглари битирувчиларидан иборат. Корхонанинг қуввати ошгач, яна 90 нафар киши муносиб ҳақ тўланадиган барқарор иш билан таъминланади.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига ўзининг юқори сифатли маҳсулотлари билан ҳисса қўшаётган корхонанинг истиқболи порлоқ дейишга тўла асос бор.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

■ Жиззах вилоятидаги цемент заводининг қувватини 1 миллион тоннагача портландцемент ишлаб чиқариш даражасида кенгайтириш режалаштирилмоқда.



Бекмурат ТУҒАЕВ олган суратлар.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

«МАРС ТУПРОФИДА»

10 турдаги сабзавот
етиштирилди

NASA тақдим қилган маълумотларга кўра, Вагенинген университети ва Голландия илмий-тадқиқот маркази олимлари томонидан ўтказилган таркиби Марс сайёраси ҳамда Ойнинг тупроғига максимал даражада яқин бўлган тупроқда сабзавот етиштириш бўйича иккинчи тажриба муваффақиятли яқунланган. Бу ҳақда олимлар гуруҳининг матбуот-баёнотида маълум қилинди.

Ушбу тажриба 2015 йил апрелида бошланиб, биринчи ҳосил октябрда йиғиб олинган. Ўсимликлар иссиқхона шароитида бир хил ҳароратда етиштирилди. Олимлар сабзавотларни Марс ва Ойда ташқи таъсирлардан, жумладан, радиациядан ҳимоя қилишни йўлга қўйиш мақсадида иссиқхона шароитидан фойдаланиш-



ди. Ҳаммаси бўлиб ўн турдаги сабзавот, жумладан, помидор, нўхат, редиска, кресс-салат, исомалоқ, жавдар бўғдойи, киноа, «скорода» пивзи ҳосили олинди. Тажриба муаллифларининг айтишича, олинган ҳосил оддий тупроқдан олинадиган ҳосилга тенг бўлган.

Ушбу тажриба 2016 йил апрелида картошка ва ливия ҳосилини етиштиришда ҳам сынаб кўрилади.

2011 ЙИЛГИ ЗИЛЗИЛА ТУФАЙЛИ

Япония замини ўз
жойидан силжий
бошлаган

2011 йил 11 март куни содир бўлган мамлакат тарихидаги энг кучли зилзиладан сўнг Япония Америка қитъаси томонга силжимоқда.



Мутахассислар берган маълумотга кўра, Осиё ярим оролида 6,4 метрлик сурилиш кузатилган. Хонсю оролининг шимоли-шарқидagi Мияги ва Иватэ префектуралари ҳудудининг баъзи жойлари эса 10 сантиметргача силжиган. Бу ҳақда Россия ахборот агентлиги хабар бермоқда.

Айни пайтда Токио жойлашган Канто текислигида шарқ томонга сурилиш тўхтаган, лекин Хонсю оролининг шимоли-шарқда ҳаракат ҳамон давом этмоқда.

Чет эл капитали иштирокидаги «Савдогар» акциядорлик тижорат банки жамоаси Сурхондарё вилояти Денов филиалида узок йиллар ишлаган, меҳнат фахрийси Абдумўмин ЭШМУРодовнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Адлия вазирлигида ўтказилган навбатдаги матбуот анжумани «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг қонунчилик асослари» мавзусига бағишланди. Тадбирда Давлат дастури асосида ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида маълумотлар берилди.

Давлат дастурининг ижросига бағишланди

Анжуманда таъкидланганидек, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эҳтиром муҳитини янада яхшилаш, баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтини мустаҳкамлашга давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилган. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш Адлия вазирлигига юклатилган. Унга асосан, 14 норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Тадбир иштирокчиларига бу ҳақда батафсил маълумот берилди. Хусусан, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳриридаги лойиҳасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг ваколатларини тартибга солишга қаратилган нормалар белгиланган.

«Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасида таркибда генетик модификация қилинган организмлар (ГМО) бўлган истеъмол товарларини олиб кириш ва истеъмол қилишни чеклаш билан боғлиқ нормалар назарда тутилмоқда.

Матбуот анжуманида Давлат дастури асосида ишлаб чиқилаётган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари юзасидан ҳам атрафлича маълумот берилди. Журналистлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича ўзларини қизиқтирган саволлар билан мутахассисларга мурожаат қилди.

Мулоқотларда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила институтини янада мустаҳкамлаш масалалари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мақсад — истеъмолчилар маданиятини ошириш

Миллий матбуот марказида 15 март — Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кунига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

— Ҳар бир истеъмолчи ўз ҳуқуқини яхши билиши ва ундан фойдалана олиши зарур, — дейди **Ўзбекистон**

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси матбуот ва ахборот бўлими бошлиғи Умида Мансурова. — Ташкилотимиз кўмағида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида истеъмолчилар ҳуқуқий маданиятини оширишга

қаратилган маърифий тадбирлар, семинарлар, давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. «Истеъмолчи» газетасида ушбу мавзудаги материаллар ўзбек ва рус тилида мунтазам чоп этилаётган.

Сўнгги йилларда фуқароларнинг савдо, умумий оқоватланиш, маиший хизмат, транспорт ва алоқа соҳалари бўйича шикоятлар сони сезиларли даражада камайди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар ҳам рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ОБОД МАНЗИЛЛАР

ЎЗБЕКИСТОН БОҒИ ЭРАМИ

Андижон вилоятининг Хонобод шаҳри ноёб дарахтлари, анвойи гуллари билан ҳар қандай одамни ўзига мафтун этади. Гўшалари обод, ҳавоси мусаффо. Яшиллик олами, нинабаргли дарахтларнинг хушбўйи кайфиятинингизни кўтаради. Елкасида Кампирровот сув омбори — Андижон денгизи чайқалиб, унинг ҳусн-тароватини янада орттиради.

Хонободликларнинг кўнглида шаҳарни обод, кўркам бўстонга айлантиришдек эзгу мақсад мужассам. Ҳар бир туп дарахт, гул кўчати расамади билан экилгани, меҳр билан парвариш қилингани, гуркираб

ўсаётгани шундан далолат беради. Текис қайчиланган, доимо ям-яшил арчалар, адл қарағайлар шаҳар ҳавосининг табиий қалқонлари. Арча, қарағай шоҳларида сакраб юрган олмахонлар ҳаво айланишини



Азаматжон ТУШМАТОВ олган суратлар.

Суратларда: ободонлаштириш бошқармаси ишчиси Одинахон Каримова; тадбиркор Зоҳиджон Рўзиматов тувси билан.

2016 йилда ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН 17 МИЛИАРД 300 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ҚИЙМАТИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЙЎНАЛТИРИШ, УЛАРНИНГ ЎСИШ СУРЪАТИНИ 109,3 ФОИЗГА ЕТКАЗИШ БЕЛГИЛАНГАН.

НАВРЎ ҚУТЛОВЛАРИ

■ Табрик, реклама ва эълонлар

«БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ» унитар корхонаси жамоаси



барча юрtdошларимизни, нефть ва
газ соҳаси ходимларини Наврўзи
олам билан муборакбод этади.

Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайди.
Наврўз барчамизга бахт, омад келтирсин!



1991 NBU 2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

2016 йилнинг 11 мартдан жисмоний шахсларнинг пластик
карточкалари учун очиладиган ҳисобрақамларнинг
фоиз ставкалари ошганлигини маълум қилади:

ПЕНСИОНЕРЛАР УЧУН ПЛАСТИК КАРТЧКА

(миллий валютада)

- ❖ фақатгина пенсияни кириш қилиш
учун очилади;
- ❖ картчкани очиш ва унга хизмат
кўрсатиш, шу жумладан, ахборот (sms,
web ва ivr) хизматларини кўрсатиш
қўшимча ҳақсиз амалга оширилади;
- ❖ фоизларни тўлаш ҳар ойда амалга
оширилади.

Жамғармалари бошқарилишини бизга ишониб топширганлар
фаровонлиги учун ўзимизни масъул, деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг
исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.
www.nbu.com

ПЛАСТИК КАРТЧКА

(миллий валютада)

- ❖ жисмоний шахслар, шу жумладан, «иш
ҳақи лойиҳалари» доирасида корхона ва таш-
килот ишчи-ҳодимлари учун ҳам очилади;
- ❖ картчкани очиш ва унга хизмат кўрса-
тиш, шу жумладан, ахборот (sms, web
ва ivr) хизматларини кўрсатиш банк та-
рифларига кўра ундирилади;
- ❖ фоизларни тўлаш ҳар ойда амалга
оширилади.

Хизматлар лицензияланган.

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны —
16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы —
3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки —
11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы —
3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан,
г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78,
(+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33,
(+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru
Web-site: www.avtokran.uz,
www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 359
17578
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 20.40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 5